
Туман марказидаги “Дехқон бозори” да дезинфекция ишлари олиб борилди

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарорига кўра, пандемия шароитида аҳоли ва ҳудудлар хавфсизлигини таъминлаш, профилактик тадбирлар ўз вақтида ҳамда талаб даражасида бажарилишига эришиш мақсадида ҳар ҳафтада бир мартаба бозорлар ёпилиб, уларда дезинфекция тадбирлари ўтказилиши белгиланган.

Шунга кўра, аввал хабар берганимиздек, бугун, 30 июнь куни туман марказидаги “Дехқон бозори” эрта тонгдан вақтинча (бир кун)га ёпилди.

Тошлоқ тумани Санитария эпидемиологик ва осойишталик маркази томонидан бозорда махсус транспортлар ёрдамида ва дезинфекторлар иштирокида дезинфекция тадбирлари тўлиқ амалга оширилиб, эртага тонгдан одатдагидек савдо қилиш учун тайёр ҳолатга келтирилди.

Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

Каналга уланиш учун: http://t.me/toshloq_axborot_xizmati

2020-07-01 19:34:41